

ИЗВЕСТИЯ ВУЗОВ КЫРГЫЗСТАНА, № 3, 2021

Исакова Ф.Р.

СОВЕТТИК МАМЛЕКЕТТИК АГРАРДЫК САЯСАТТЫН ФЕРГАНА ӨРӨӨНҮНҮН АЙЫЛ ЧАРБАСЫНА ТИЙГИЗГЕН ТААСИРИ

Исакова Ф.Р.

ВЛИЯНИЕ СОВЕТСКОЙ ГОСУДАРСТВЕННОЙ ПОЛИТИКИ НА СЕЛЬСКОЕ ХОЗЯЙСТВО ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЫ

Исакова Ф.Р.

СОВЕТ ДАВЛАТИ АГРАР СИЕСАТИНИНГ ФАРГОНА ВОДИЙСИ КИШЛОК ХУЖАЛИГА ТАСИРИ

F.R. Isakova

THE INFLUENCE OF SOVIET STATE POLICY ON THE AGRICULTURE OF THE FERGHANA VALLEY

УДК: 930.2

Бул макалада XX күлгөмдөн биринчи чейреги Туркстан элдері үчүн қарама-қаршылыктардың жасана тириешүүлөрдүн мезгили, татаал чындык, күрөш процесси болгон. 1917-жылдагы октябрь төңкөрүшүнүн натыйжасында пайда болған Совет мамлекеттік коммунисттик идеологиялык тартилке негизделген тапсыз коомдуу курууну максат кылгандығы маалымдалат. Бир жасынан, Россия империясынын аймагында болуп жаткан коомдук-саяси кырдаал, екинчи жасынан, Биринчи Дүйнөлүк соғуш мезгилинде Туркстандагы кырдаалга түзәнтүз терс таасирин тийгизгендиги, соғуш жылдарында Фергана өрөөнүнүн айыл чарбасында аскердик кызыкчылыктар эске алынып, коргонуу үчүн зарыл болғон пахта тармагын өнүктүрүүгө көбүрөөк конүл бурулгандығы, ошондой эле пахтанын импорту дээрлик токтот калган-быктаан, бул Туркстанда өстүрүлгөн пахтага болгон талаптын кескин өсүшүнө алым келгендиги жөнүндө, ал өз кезегинде азық-түлүктүн жасана наңга баанын кескин кымбаташына алым келгендигин, пахта өнүрүүчүлөрдүн рынокко болғон көзкарандылыгын күчтөндүгүн маалымдайт.

Негизги сөздөр: өрөөн, айыл, базар, баа, мардикар, дан, азық-түлүк, мулк, кеңеш, пахта, округ.

В этой статье первой четверти XX века для Туркестанских народов был период противоречий, напряженности сложная реальность и процессом борьбы. 1917 год также был результатом Октябрьской революции. Советское государство к коммунистическому идеологическому порядку стремится построить беспочвенное общество. С одной стороны, социально-политическая ситуация на территории Российской Империи, с другой - ситуация в Туркестане в период Первой мировой войны. Война, оказавшая прямое негативное влияние на ситуацию, военные в сельском хозяйстве в Ферганской долине в течение многих лет интересы учтены и необходимы для защиты большие внимания уделяется развитию хлопковой промышленности, он также отметил, что импорт хлопка практически прекратился, что привело к резкому увеличению спроса на хлопок, выращиваемый в Туркестане. Резкий рост цен на продукты и хлеб в результате появился рынок для производителей хлопка.

Bu maqolada, XX asrning birinchi choragi Turkiston xalqlari uchun qarama - qarshiliklar va qarama -qarshiliklar davri, murakkab voqelik, kurash jarayoni edi. Aytılıshicha, 1917 yil oktyabr inqilobi natijasida vujudga kelgen Sovet davlati kommunistik maşkuriyä tartibga asoslangan sifisiz jamiyat qurishni maqsad qilgan. Bir tomordan, Rossiya imperiyasi hududidagi hozirgi ijtimoiy-siyosiy vaziyat, boshqa tomordan, Birinchi jahon urushi yillarida Turkistondagi vaziyatga bevosita salbiy ta'sir ko'rsatganligi sababli, urush yillarida Farg'ona vodisida harbiy manfaatlarni hisobga olgan holda paxtachilikni rivojlantirishga va deyarli butunlay to'xtatishga e'tibor qaratildi. Paxta importi O'z navbatida, bu oziq -ovqat va non narxining keskin ko'tarilishiga olib keldi, bu esa paxta ishlab chiqaruvchilarining bozorga qaramligini oshirdi.

Калит сўзлар: водий, кишилоқ, бозор, нарх, мардикор, гала, маҳсулот, мулк, совет, пахтацилик, уезд.

In this article, the first quarter of the twentieth century was a period of contradictions and confrontations for the peoples of Turkestan, a complex reality, a process of struggle. It is said that the Soviet state, which emerged as a result of the October Revolution of 1917, aimed to build a classless society based on the communist ideological order. On the one hand, the current socio-political situation in the territory of the Russian Empire, on the other hand, due to the direct negative impact on the situation in Turkestan during the First World War, during the war years, more attention was paid to the development of the cotton industry in the Fergana Valley, taking into account military interests, and the almost complete cessation of cotton imports. In turn, this has led to a sharp rise in food and bread prices, which has increased the dependence of cotton producers on the market.

Key words: Valley, village, market, price, mardikar, grain, products, property, council, cotton, county.

XX асрнинг биринчи чораги Туркистан ўлкаси халқлари үчүн зиддият ва қарама-қаршилик, мураккаб воқелик, курашлар жараённiga тұла давр бўлди. 1917 йил Октябрь тўнтариши натижасида юзага келганди. Совет давлати ўз олдига «синфсиз жамият», коммунистик фоя тартиботига асосланган тузум барпо этишини мақсад қилиб кўйди. Бир томондан, биринчи

ИЗВЕСТИЯ ВУЗОВ КЫРГЫЗСТАНА, № 3, 2021

жаҳон уруши давом этаётган, иккинчи томондан Россия империяси худудида юзага келган мураккаб ижтимоий-сиёсий аҳвол Туркистон ўлкасидағы ҳолатта ҳам бевосита салбий таъсири кўрсатди. Уруш йилларида Фарғона водийиси қишлоқ хўжалигида ҳарбий манфаатлар эътиборга олиниб, мудофаа учун зарур бўлган пахтачилик соҳасини ривожлантиришга янада зўр берилди. Чунки четдан пахта кириб келишининг деярли тўхтаб қолиши Туркистон ўлкасида етиштириладиган пахтага бўлган эҳтиёжнинг бехад ўсишига сабаб бўлди [2]. Бу ўз навбатида пахтакор дехқонларнинг бозорга қарамлигини кучайтириб, озиқ-овқат ҳамда нон нархининг кескин ошишига олиб келди. Мазкур ҳолат эса охир-оқибатда қаҳатчиликни келтириб чиқарди.

Уруш йилларида ўлкага ташқаридан ғалла олиб келиш кескин кисқарди. Хусусан, 1915 йили ўлкага аҳоли эҳтиёжидан 5 баравар кам ғалла олиб келинди. Бу ҳолат янада кескин пасайиб, 1917 йили ўлкага умуман ғалла олиб келинмади. Ўлкада ўз набатида ноннинг нархи 400 фоизга ошиб кетди. Озиқ-овқат ва истеъмол молларининг кескин тақчиллиги юзага келди [3]. Маҳаллий аҳоли ичида мустамлака маъмуритининг мустабид – зўравонлик сиёсати, оғир иқтисодий аҳволдан норозилик тобора кучая бошлади. 1916 йилдаги мардикорликка сафарбарлик қилиш борасидаги ҳаракатлар боис шундок ҳам ижтимоий-иқтисодий аҳволи оғир бўлган ҳалқ оммасининг кучли норозилигига сабаб бўлди ва миллий-озодлик ҳаракатига айланиб кетди. 1917 йилда, умумий вайронагарчилик ва қаҳатчилик хукм суриб турган бир вактда қишлоқ хўжалигидаги экин майдонларининг ҳажми ҳам қисқара бошлади. 1917 йилда экин экиладиган майдонлар 1915 йилдаги 3,5 млн. Десятинадан 2,3 млн. десятинага тушиб қолди. Ўлкада ғаллага бўлган истеъмол эҳтиёжи 111 млн. пудни ташкил этган ҳолда, бор-йўғи 52 млн. пуд ғалла йигилди. Бу ҳол бутун ўлкада оғир очарчиликнинг юзага келишига сабаб бўлди. Саноат, хусусан пахта тозалаш саноатидаги ишлаб чиқариш икки бараварга қисқарди, темир йўл транспортидаги узилишлар авж олди, четдан маҳсулот кириб қелиши кескин камайди [4].

1917 йил Октябрь тўнтаришидан кейин ўрнатилган совет хокимиятининг хусусий мулк шаклларини йўқотиш, хўжалик ҳаётининг барча соҳаларида ижтимоий-давлат мулкчилигини авж олдириш, ҳалқ хўжалигига раҳбарликни марказлаштириш, шу билан бирга, иқтисодий усувлар билан эмас, балки маъмурий-буйруқбозлик усувлари билан иш юритишга қаратилган иқтисодий сиёсати очарчилик ва вайронагарчиликни янада чукурлаштириди. Советларнинг II Бутун-rossия съезди (1917 йил октябрь) қабул қилган Ер

хақидаги декретни амалга ошириш юзасидан тегишли чора-тадбирларига мувофиқ, ерга бўлган хусусий мулк эгалиги бекор қилинди, қишлоқ жойларда ерлардан аҳоли тенг асосда фойдаланиши белгилаб қўйилди. Шубҳасиз, ўлгадаги совет ҳокимияти маъмурияти узоқни кўра билмаган, маҳаллий урф-одат, анъаналарни ҳисобга олмаган ҳолда, унга кўр-кўронада итоат этиш зарур деб ҳисоблар эдилар.

1918 йилнинг биринчи ярмида аввал собиқ империя маъмурлари, помешчиклар имениелари, сўнгра йирик маҳаллий бойлар ерлари национализация қилинди. Хусусан, ўлка ХКСнинг 1918 йил 26 марта буйругига кўра, хусусий бўлган 32 та боф ва узумчилик хўжаликлари миллийлаштирилди [5]. Кейинчалик бу жараён шу тарзда давом этди. Фарғона водийиси бўйлаб совет ҳокимиятининг ўрнатилиши 1918 йил бошларига тўғри келиб, бу пайтда Фарғона вилояти дехқонлари орасида турли объектив сабабларга кўра ерсиз дехқонлар салмоги кўпроқ эди.

Қайд этиш лозимки, 1918 йил баҳоридан бошлаб совет ҳукумати томонидан амалга оширилаётган ўзгаришлар Россияда кучайиб кетган фуқаролар уруши муносабати билан янада катъий ва кенг миқёсли хусусиятга эга бўлди. Советлар томонидан ҳокимиятнинг зўравонлик билан тортиб олиниши, мазкур ҳокимият, унинг тепасида турган большевиклар партияси томонидан тадбиқ этилган, моҳияти зўравонлик ва тазиикдан иборат чора-тадбирлар билан «коммунистик жамият» қуриш жараёни ушбу тузумга қарши оммавий норозиликнинг вужудга келишига сабаб бўлди.

Охир-оқибатда ушбу норозилик фуқаролар урушига, ўлкада қуролли қаршилик ҳаракатига кўшилиб кетди. Табиийки, бу кураш Туркистон ўлкасини ҳам четлаб ўтмади. Ўлкада тез орада совет ҳокимияти манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қатор фронtlар (Закаспий, Оренбург, Актюбинск, Еттисув) ташкил этилди. Фарғона водийиси эса қуролли қаршилик ҳаракатининг марказига айланди. Тез орада Туркистон Автоном республикаси совет давлати маркази билан узилиб қолди.

Бу билан Туркистон ўлкаси ижтимоий-сиёсий, айниқса иқтисодий жиҳатдан жуда танг аҳволга тушиб қолди. Шундай вазиятда совет ҳукумати фавкуллода иқтисодий чора-тадбирларни ўз ичига оловчи «ҳарбий коммунизм» сиёсатини жорий қилди. Гарчи мазкур сиёсат қўйналган ҳалқ оммасини озиқ-овқат билан таъминлашга қаратилгандек бўлса-да, аслида иқтисодий ва ҳарбий тарздаги зўравонлик билан шахар билан қишлоқ ўртасида, бозордан ташқари, тўғридан-тўғри маҳсулот айирбошлишни кўзда тутган бўлиб, асосан қизил армия ва большевиклар тузумини

ИЗВЕСТИЯ ВУЗОВ КЫРГЫЗСТАНА, № 3, 2021

иқтисодий жиҳатдан таъминлашни мақсад қилиб олган эди.

Шу билан бирга, «харбий коммунизм» сиёсати совет тузумини ҳарбий йўй билан ҳимоя қилиш ва социализм қуриш усули сифатида большевиклар томонидан ўргага ташланган сиёсат эди [6]. Шубҳасиз, мазкур сиёсат ўз мазмун-моҳиятига кўра халқ оммасига қарши қаратилган, маҳаллий аҳоли турмуш-тарзи, шарт-шароитини мутлақо ҳисобга олмаган эди.

Таъкидлаш жоизки, мазкур сиёсат энг аввало саноат соҳасига қаратилган бўлиб, Туркистон ўлкасида эса пахтачилик билан боғлик саноатга соҳаларига йўналтирилди. 1918 йил 28 февралда Туркистон ХКС бутун ўлкада мавжуд пахта ва у билан боғлик саноатни давлатники деб эълон қилди. Шу йили 5 марта ХКС томонидан қабул қилинган декретга кўра, пахта саноати, ёғ-мой, совун, пахта тола саноат соҳалари, шунингдек пахтани сотиб олиш, ундан ярим тайёр маҳсулотлар тайёрлаш соҳаларининг барчаси национализация қилиниши лозимлиги, бундан бўён бу соҳа давлатга тегишли бўлиши қатъий белгилаб кўйилди [7]. Бу ҳол қишлоқ ҳўжалиги билан бевосита боғлик бўлиб, дехқонлар ҳаётига салбий таъсир кўрсатди. Пахтанинг нархи 10 рубльгача тушиб кетиб, дехқонларнинг моддий турмуш тарзи янада пасая борди [8].

1917 йилдан 1920 йилгача Туркистон ўлкасида мавжуд чорва молларнинг сони тенг ярмига қисқариб кетди [9]. Бу даврда хўжаликнинг бошка соҳаларига қараганда чорвачилик энг кўп зарар кўрган. Масалан, 1917 йилда Фарғона водийсида 257 598 та от, 526 686 та қорамол, 14 299 та тую, 561 197 та кўй ва 5525 та бош эчки мавжуд бўлган бўлса [10], уч йил ичida юқ ташувчи отлар 5 марта ва кўшга кўшилувчи ҳўқизлар 4 марта камайган [11].

Манбада келтирилишича, 1917-1918 йил қиши ва баҳорида Фарғона водийсидаги даҳшатли очарчилик натижасида аҳолининг 30 фоизи ўлиб кетди [12] 1917 йилда Фарғона вилояти аҳолиси 2 миллион кишини ташкил қилган [13].

Шуни қайд этиб ўтиш лозимки, «Улуғ Туркистон» газетасининг деярли ҳар бир сонида ўлкада очликдан азият чекаётгандар сонининг ортиб бораётганилиги сабабли саховатли кишилардан шундай оғир кунларда мусулмон биродарларига ёрдам беришларини сўраб илтимосномалар эълон қилинган [14].

1917 йил 28 декабрдан 1918 йил 13 январга қадар Марғилонда саховатли кишилардан 30 678 рубль 96 копеек маблағ ийғилиб, унинг 14 951 рубль 21 копеек очарчиликни бартараф этиш учун сарфланган [15].

1918 йил 12 январда Туркистонда эълон қилинган «Пахтачиликда давлат монополиясининг ўрнати-

лиши» ва 1918 йил 12 февралда қабул қилинган «Ўлка пахта захираларини мусодара қилиш тўғрисида»ги ҳукumat қарорларидан кейин зўрга кун кечираётган дехқонларнинг пахта ҳосилини давлат зўрлаб тортиб олишни бошлади. Натижада ўлкада ишсизлар сони ортди, очарчилик ва норозилклар бошланди. Пахта ҳосилини сотиш ва сотиб олишнинг тақиҷаниши Туркистонда савдо-тижорат ишларининг ривожланишига салбий таъсир кўрсатди. 1913 йилда пахта етишириладиган майдонлар ҳажми 422 726 десятинани ташкил қилган бўлса, 1920 йилга келиб бу 87 622 десятинага камайиб кетган [16]. Ўлкада пахта ва буғдой етиширишнинг камайиши бозорларда уларнинг нархини кўтарилишига сабаб бўлди. Шу билан бирга, Туркистонга пахта ҳисобига Россиядан келтириладиган ғалланинг миқдори ҳам кескин камайган. Туркистонда саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг қисқариши ҳамда Россиядан саноат ва озиқ-овқат маҳсулотларини олиб келиш тобора камайиши натижасида ўлкада нарх-наво ошиб кетди.

Очарчилик оқибатида биргина Фарғона водийсининг ўзида 1917-1923 йилларда бир миллионга яқин киши ҳалок бўлган [17]. Туркистонда очарчиликка қарши курашиш комиссиясининг раиси Турор Рискуловнинг таъкидлашича, республика аҳолисининг 2,5 миллиони очарчиликдан азият чеккан [18].

Совет ҳокимияти амалга оширган иқтисодий сиёсат натижасида ўлканинг дехқон ҳўжаликлари тобора инкиrozга юз тута борди. 1918 йил баҳоридан бошлаб ғалла танқислигига гўшт, мой, чой, қандшакар етишмовчилиги ҳам кўшилди [19]. Бундай оғир шароитда совет ҳукумати аҳолини синфий гурух ва тоифаларга ажратиб, озиқ-овқат билан таъминлай бошлади. Озиқ-овқат маҳсулотлари аввал кизил аскарларга берилар, сўнгра саноат корхоналари ишчилари ва энг охирида қишлоқ аҳолисига тарқатилар эди [20]. Маҳаллий аҳоли кўлидаги ғалла ва бошка озиқ-овқат маҳсулотларини ҳам тортиб олиш учун большевиклар қатъий чоралар кўллашди.

1921 йилнинг 21 июль куни Туркистон марказий ижроия қўмитаси қошида «Очларга ёрдам бериш марказий комиссияси» ташкил топди. 1921 йил 26 июлда Фарғона вилоятида Криворучкин раҳбарлигига «Очларга ёрдам бериш комиссияси» ўзининг фаолиятини бошлайди [21]. Туркистон Марказий ижроия қўмитаси берган маълумотларга кўра, 1921 йилда Фарғона вилоятининг 5 та уезд-шахарларида ва 16 туманларида очларга ёрдам бериш комиссияси тузилди [22]. Вилоятда 39 та овқатланиш пунктлари ташкил этилган. Мазкур овқатланиш пунктларида, ўртacha ҳисоблагандা, ҳар куни 10 232 нафар киши

ИЗВЕСТИЯ ВУЗОВ КЫРГЫЗСТАНА, № 3, 2021

бепул овқатланиш имкониятига эга бўлиб, уларнинг 2 914 нафарини болалар ташкил килган [23].

Хуоса тарзида шуни қайд этиш лозимки, совет хукуматининг ўлкада, хусусан Фаргона водийсида олиб борган аграр сиёсати, иқтисодий чора-тадбирлари, шу йилларда амалга оширилган «Ҳарбий коммунизм» сиёсати, «озик-овқат развёрсткаси» ва бошқалар ижтимоий-иқтисодий вазиятнинг тамоман издан чиқишига сабаб бўлди. Асрий анъана, турмуш тарзи, ер-сув муносабатлари қонун-коидасига эга бўлган маҳаллий аҳоли ҳаёти учун ёт бўлган унсурларнинг татбиқ этилиши аҳоли ахволининг оғирлашувига олиб келди ва кучли норозилигига сабаб бўлди.

Адабиетлар:

1. Бу хусусда карант: Ўз МА, И-90 жамғарма, 1-рўйхат, 123-иши, 22-варак.
2. Ковалев П.А. Революционная ситуация 1915-1917 гг. и ее проявления в Туркестане. - Тошкент: Фан, 1971. - С.74.
3. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон Совет мустамлакачилиги даврида. - Тошкент: Шарқ, 2000. - Б.102-103.
4. Бу хусусда карант: Ўз МА, И-90 жамғарма, 1-рўйхат, 123-иши, 22-варак.
5. Ковалев П.А.. Революционная ситуация 1915-1917 гг. и ее проявления в Туркестане. - Тошкент: Фан, 1971. - С.74.
6. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон Совет мустамлакачилиги даврида. - Тошкент: Шарқ, 2000. - Б.102-103.
7. Ерметов А.Туркистонда назорат органлари фаолияти. – Т.: АВУ МАТВУОТ-KONSALT, 2007. - Б.24.
8. Мазаева Л.М., Усманова Н.Х., Садыков А.С. Первая мировая война и положение трудящихся масс Туркестана, Бухары и Хивы. // Материалы по истории и археологии. – Тошкент: ТашГУ, 1972. – №35. – С.85.
9. Ковалев П.А. Революционная ситуация 1915-1917 гг. и ее проявления в Туркестане. – Тошкент: Фан, 1971. – С.74.;
10. Туркестан в начале XX века: К истории истоков национальной независимости. – Тошкент: Шарқ, 2000. – С.244-245.
11. Очларга ёрдам қилингиз! // Улуг Туркестон. – 1918. – 26 февраль.
12. Очилик балоси. //Улуг Туркестон. – 1918. – 31 январь.
13. Отчет о деятельности Туркестанского Экономического Совета за февраль-октябрь 1921 г. - Коканд: Изд. ТЭС, 1922. - С.6.
14. Отчет Ферганского областного экономического совещания за январь-сентябрь 1922 г. – Коканд: Издание Фэроблэкосо, 1923 г. – С.139.
15. Раззоқов А. Ўзбекистонда пахтачилик тарихи (Ўтмиш ва ҳозир). – Тошкент: Ўзбекистон, 1994. – Б.79.
16. Расулов А. Туркистон ва Волгабўйи, Уралолди халқлари ўргасидаги муносабатлар. – Тошкент: Университет, 2005. – Б.94.
17. Туркестан в начале XX века: К истории истоков национальной независимости. – Тошкент: Шарқ, 2000. – С.246.
18. Туркестан в начале XX века: К истории истоков национальной независимости. – Ташкент: Шарқ, 2000. – С.248; Рабочий контроль и национализация промышленности в Туркестане (1917-1920 гг.). Сборник документов. – Тошкент, 1955. – С.125-126.
19. Туркестан в начале XX века: К истории истоков национальной независимости. – Ташкент: Шарқ, 2000. – С.272.
20. Шамсутдинов Р., Каримов Ш. Ўзбекистон тарихидан материаллар. – Андижон, Андижон нашриёт матбаа, 2004. – Б.108.
21. Ўз МА, Р-25-жамғарма, 1-рўйхат, 6-иши, 70-74-варақлар.
22. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Тошкент: Шарқ, 2000. – Б.104-105.
23. Ўз МА, Р-27-жамғарма, 1-рўйхат, 2-иши, 8-варак.
24. Ўз МА, Р-17-жамғарма, 1-рўйхат, 336 –иши, 241-варак
25. Ўз МА, Р-25-жамғарма, 1-рўйхат, 1391 –иши, 102-варак
26. Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар). Биринчи китоб (1917-1939 йиллар). – Тошкент: O'zbekiston НМИУ, 2019. – Б.248.
27. Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар). Биринчи китоб (1917-1939 йиллар). – Тошкент: O'zbekiston НМИУ, 2019. – Б.249.
28. Ўз МА, Р-17-жамғарма, 1-рўйхат, 947 –иши, 201-варак.
29. Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар). Биринчи китоб (1917-1939 йиллар). – Тошкент: O'zbekiston НМИУ, 2019. – Б.256.